



ТОШКЕНТ

ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 5 май, шанба • №35 (11.320) • Эркин нархда сотилади

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВЛАДИМИР ПУТИН БИЛАН УЧРАШУВИ



Илгари хабар қилганимиздек, 3 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов давлат ташрифи билан Россияга жўнаб кетди.

4 май, Москва. ЎЗА махсус мухбири **Анвар БОБОЕВ** хабар беради.

Бугун Президент Ислон Каримов номаълум аскар қабрига гул қўйиб, фашизм устидан ғалаба қозонилган сана – 9 май арафасида марҳумлар руҳини ёд этди.

Кремлда давлатимиз раҳбари ва унинг рафиқасини расмий кутиб олиш маросимидан сўнг, Ўзбекистон ва Россия Президентлари якка-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг барча жабҳалари атрофлича муҳокама этилди.

Жумладан, суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар тузилмасини қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб, Россиянинг Ўзбекистон бозорида янада фаоллашуви ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлишига эътиборни қаратди. Президентимизнинг фикрича, бу жараён қўшма корхоналар тузиш ва хусусийлаштириш дастурларида қатнашиш шаклида бўлиши мумкин.

Президентлар учрашувида Ўзбе-

кистон-Россия савдо палатасини тузиш тўғрисида сўз борган ва айна масала юзасидан деярли келишувга эришилган. Айна пайтда В. Путин Россия Хавфсизлик кенгашида икки мамлакат ўртасидаги ҳарбий-техникавий алоқалар мониторинги бўйича махсус гуруҳ тузишни таклиф этган.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёдаги хавфсизлик масаласига катта эътибор қаратилди. Ислон Каримов Россия билан бу соҳадаги ҳамкорлик минтақада халқаро террорчиликка қарши курашнинг муҳим шартларидан бири эканлигини таъкидлади. Жиноий гуруҳларнинг Ўзбекистон ва Қирғизистонга суқилиб кириши қайта такрорланмаслиги учун Россия билан ҳамкорлик зарурдир. Бундай гуруҳлар пайининг қирқилишидан Россия ҳам жуда манфаатдордир. Чунки халқаро террорчилик Шимолдаги ҳамкоримизни ҳам четлаб ўтмаётганлиги сир эмас.

Икки давлат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида йиғилиб қолган муаммоларга ечим топиш, ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш борасида фикр алмашилди. Томонлар ҳарбий-техникавий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳаларга оид масалаларни муҳокама қилди. Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш ма-

росими бўлди. Ислон Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг қўшма баёноти ҳамда Чегара масаласи бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекди.

1999 йилнинг декабрида В.Путиннинг Тошкентга ташрифи чоғида икки давлат ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома қабул қилинган эди. Ана шу ҳужжатнинг ратификация ёрликларини алмашиш ҳақидаги протокол имзоланди.

Шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия, ўзаро савдода билвосита солиқ олиш тамойиллари, контрабанда ва божхона қонунбузарлигига қарши курашда ҳамкорлик, божхонага оид ҳужжатлар ва тартиб-қоидаларни ўзаро тан олиш, божхонадан ўтиш тартибини енгилаштириш ва соддалаштириш, маданий соҳада 2001-2003 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар қабул қилинди.

Кремлдаги тадбирлар ниҳоясига етгач, Президент Ислон Каримов Россия ҳукумати уйига ташриф буюрди. Бу ерда ҳукумат раиси Михаил Касьянов билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда асосий эътибор савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш масаласига қаратилди.

Ўзбекистон-Россия муносабатларида фан ва таълим соҳалари алоҳида ўрин тутди. Президентимизнинг ташрифи дастурига Михаил Ломоносов номидаги Москва Давлат университети-нинг илмий кенгаши вакиллари билан учрашув киритилгани бежиз эмас. Мазкур учрашувда таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшма тадқиқотларни кўпайтириш ҳақида сўз борди.

Ислон Каримовнинг МДУга ташрифи чоғида бу ерда «Ўзбекистон: Мустақилликнинг ўн йили» мавзуида фотокўргазма ҳам ташкил этилди. Унда етмишдан ортиқ сурат ҳамда юртимизнинг бугуни ва ўтмиши ҳақида батафсил маълумот берувчи лавҳалар намоиш қилинмоқда.

(ЎЗА).

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ, Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.



КАСАБА ФАОЛЛАРИ ЎҚУВИ

Касаба уюшмалари Тошкент вилояти Кенгаши фаолларнинг минтақавий ўқувларини ўтказмоқда.

Олмалик ва Чирчиқ шаҳарларидан кейин шундай маслаҳат-кенгаш кеча Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Уни касаба уюшмалари вилоят Кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганова олиб борди.

Маслаҳат-кенгашига йиғилган Зангиота ва Тошкент туманлари ва Тошкент шаҳридаги касаба кўмиталарининг ходимлари меҳнат қонунларига риоя этилиши, касаба ва ижтимоий суғурта маблағларидан фойдаланиш тартиби, меҳнат жамоаларида маънавий тарбияни ташкил этиш масалаларига оид лекциялар тинглашди.

Ўз мухбиримиз.

БОЛАЛИКНИНГ ҚЎШИҚЛАРИ ЯНГРАДИ

Ўртачирчик туманидаги 30-мактабда «Оналар ва болалар йили»га бағишланган «Болалигим – баҳорим» мавзусида шеърхонлик кечаси бўлиб ўтди.

Унда шоир Темур Убайдулло, Ҳамид Норкул, Зулфия мукофоти совриндори, тўйтапалик ёш шоира Рухсора Тўлабоева, Ирода Сатторовалар иштирок этдилар.

Шу куни болаликка, Ватанга, истиқлолга бағишланган энг яхши шеърлар янгради. Мактаб ўқувчиларидан Дилбар Қаюмова, Рушона Мустаева, Муқаддас Ботирова, Ҳилола Ҳатамова, Рухсора Йўлдошева ва бошқалар шоирларнинг шеърларидан ўқишди. Қизгин баҳслар, савол-жавоблар билан ўтган бу учрашув барчада илиқ таассурот қолдирди.

Элбек ТЎЛАГАНОВ.

Бугунги сонда:

2-бет
9 май – Хотира ва Қадрлаш куни
Байрам олдидан топширилган совгадан иккинчи жаҳон уруши биринчи гуруҳ ногирони **Гофир ата Шамшиевнинг боши осмонга етди.**

3-бет
Миллий дастур
Тошкент Давлат Аграр университети
нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда энг йирик қишлоқ хўжалик олий таълим даргоҳларидан бири.

6-бет
Баркамол авлод
Жиззах ўйингоҳларида бўлажак олимпиядачиларнинг мусобақалари ҳал қилувчи паллага кирди. **Бугун беллашувларнинг сўнгги голиблари аниқланди.**

7-бет
Олам ҳафта ичида:
Нефертити...
Такдирнинг факатгина битта зарбаси – ўғилсизликдан озор чеккан гўзал **Ўзи орзу қилгандек асрлар оша яшаб қолди.**

8-саҳифа
мехмони
Тадбиркор
дегани **йўқдан бор қилувчи** бўлади. Тайёрига баковул бўладиганларни олғир деб атаган маъқул.

ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ



Куни кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжатга биноан, Қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ҳар йили мамлакатимиз мустақиллиги байрами арафасида – 31 август куни Тошкентдаги

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтказиладиган бўлди. Шу муносабат билан ЎзА мухбири «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси, филология фанлари доктори, профессор Наим КАРИМОВ билан суҳбатлашди.

– Аввало, мазкур Фармон истиқлолга эришган юртимизда тарихий адолатни, халқимизнинг қадимий миллий қадриятларини тиклаш борасида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган кўплаб хайрли ишларнинг мантиқий давоми эканини алоҳида қайд этмоқ керак, – деди Н.Каримов. – Юртбошимиз кўп бор таъкидлаганларидек, тарихсиз келажақ йўқ, адолатни тиклашдан туриб эса адолатли жамият куриб бўлмайдиган. Шунинг учун ҳам бу тарихий ҳужжат жамоатчилик томонидан жуда катта хайрихоҳлик билан кутиб олинди. У халқимизнинг

кўнглидаги иш бўлди. Фармонда зикр этилган ишлар тизими юртимиз мустақиллигини мустақамлаш, ёшларни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш ва Ватанимизнинг буюк келажагини қуришга хизмат қилади.

Мазкур Фармон 1999 йил 12 майда Президентимиз томонидан имзоланган бошқа бир ҳужжат – мустамлака даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги Фармойиш ва шу асосда Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган махсус Қарорнинг узвий давоми бўлди. Таъкидлаш керакки, мустамлака зулмидан жабр кўрган бирор мамлакатда эл-юрт озодлиги йўлида

қурбон бўлганлар, истибдод даврида қатағон этилганларнинг кутлуг номларини тиклаш борасида бу қадар кенг қамровли ишлар амалга оширилмаган.

– Қатағон қурбонларини ёд этиш маросимининг айнан 31 август куни – Мустақиллик байрами арафасида ўтказилишининг боиси нимада? Бу хайрли тadbир нега айнан шу куни ўтказилади? Бизда 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни ҳам бор...

– Жавобни саволингизнинг охиридан бошласак. Одатда, Хотира ва Қадрлаш куни иккинчи жаҳон урушида, фашизмга қарши жангларда жон фидо этган ватандошларимизнинг муборак номларини хотирлаймиз. Уруш фаришлари ва фронт ортида фидойилик намуналарини кўрсатган ва ҳозир сизу биз билан бирга мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлаётган юртдошларимиздан кўнгил сўраб, ҳолидан хабар оламиз. Уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўямиз.

Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига келсак, маълумки, мустақил тузум даврида халқимизнинг энг кўзга кўринган вакиллари – давлат, маданият ва санъат арбоблари, зиёлилари билан бир қаторда кўплаб оддий кишилар ҳам «халқ душманига» чиқарилиб, қатағон қилинган. Шу тариха

миллион-миллион одамлар хонавайрон бўлиб, уларнинг ортида қолганлар эса хўрлик ва ситамларга гирифтор этилган. Биз уларнинг покиза руҳлари олдида абадий қарздоримиз. Маълумотларга қараганда, ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ҳудудида истибдодга қарши тўрт юзга яқин кўзғалон бўлган. Ана шундай тенгсиз курашларда қурбон бўлган кўпчилик ватандошларимизнинг ҳатто қабрлари ҳам йўқ қилиб ташланган. Миллионлаб бундай инсонлар чоризм қамоқхоналарию Сибир сургунларида, Сталиннинг авахталарида ном-нишонсиз кетган. Мустамлакачилар уларнинг шарафли номларига қўшиб қабрларини, қариндош-уруғларини ҳам йўқ қилиб юборган. Бундай адолатсизликларга учраган юртдошларимизни бугун биз, истиқлолнинг улуг неъматларидан баҳраманд бўлаётган авлодлар алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан ёд этмаслигимиз мумкинми!.. Айниқса, Мустақиллик байрами шодиёналари арафасида!

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида айнан 31 август – Мустақиллик байрами арафасини белгилашда улуг ҳикмат бор, деб ўйлайман: «Азиз ватандошлар! Сизу бизнинг бундай озод ва бахтиёр кунларимизни деб қурбон бўлган, истиқлолимизни

кўролмай кетган юртдошларимизни унутмайлик. Мустақиллигимизнинг қадрига етайлик. Уни кўз қорачигимиздек авайлаб-асрайлик!...» Бу ҳикматнинг мазмун-моҳияти мана шунда!

Қолаверса, мазкур хайрли тadbирнинг айнан 31 августга белгиланишининг яна бир ибратли томони, менингча, шу куни мамлакатимизнинг узоқ-яқин шаҳар-кишлоқларидан, хорижий давлатлардан мустақиллик байрами тантаналарида иштирок этиш учун кўплаб меҳмонлар пойтахтимизга ташриф буюради.

Ана энди тасаввур қилинг: энг улуг, энг азиз байрамимиз олдида улар Президентимиз ташаббуси билан ўтган йили пойтахтимизнинг Юнусобод мавзесида ташкил этилган мўтабар қадамжолар – «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуига йиғилиб, аждодларимизни ёд этади! Уларнинг муборак руҳи олдида бош эгади. Айтинг, инсон учун бундан улуг савоб борми?!

Дарҳақиқат, инсон хотираси – муқаддас. Шу жиҳатдан, Президентимизнинг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони халқимизнинг минг-минглаб фидойи ўғил-қизлари хотирасини ёд этиш, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгида ётганлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини шакллантириш борасида жуда муҳим омил бўлади.

Элбек ХОЛИҚОВ (ЎзА) суҳбатлашди.

Вилоят ҳокимлигида

ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ВА АМАЛИЙ ТАЛАБЧАНЛИК

Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Жорий йилнинг биринчи чораги якунлари ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг навбатдаги вазифалари муҳокама қилинди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдуҳамид Йўлдошев маърузасида биринчи чорақда иқтисодий соҳасида юз берган ижобий силжишларни таъкидлаб ўтди. Ишлаб чиқариш мажмуаларида ислохотлар янада чуқурлашди. Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, чакана ва ташқи савдо, пулли хизматлар кўлами кенгайди. Уч ойда 69 миллиард сўмлик ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўтган йилнинг биринчи чорағига нисбатан 104,1 фоиз ўсишга эришилди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми жиҳатидан вилоятимиз республикада иккинчи ўринни эгаллаб турганлиги алоҳида мамнуният билан таъкидланди. Бу муваффақиятларда «ОКМК», «Бекободцемент» очик турдаги акциядорлик жамиятлари, «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қобул-Ўзбек КО ЛТД» кўшма корхонаси меҳнат жамоаларининг ҳиссалари, айниқса салмоқли бўлди.

Барча туман ва шаҳарларда солиқ ва бюджетга мажбурий тўловлар тушуми режаси ортиси билан бажарилиб, вилоят бўйича бу кўрсаткич 103,9 фоизга уддаланди. Вилоят маҳаллий бюджетининг даромад қисми 7 фоиз ўсди. Дебиторлик

ва кредиторлик қарзлари сезиларли камайишга эришилди.

Кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тadbиркорликни ривожлантириш йўлида амалий чоралар кўриляпти. Унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортиб бормоқда. Уларда режадагидан анча кўп – 3250та янги иш ўринлари ташкил этилди. Умуман, вилоятда ялпи иш жойлари яратиш ярим йиллик режаси 55,7 фоизга бажарилди.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, кўшма корхоналар ташкил этиш, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. Ташқи савдо айланмаси 61,8, экспорт – 55,1 ва импорт 68,4 фоиз ўсди. Хорижга маҳсулот чиқараётган корхоналар 11тага кўпайди. Илгари хориждан келтирилган 33 хил маҳсулот вилоят саноат корхоналарида ишлаб чиқарила бошланди.

Янги қувватларни ишга тушириш, инфратузилмани ривожлантириш кўлами кенгайди. Барча молиявий манбалар ҳисобидан 17,2 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Бу соҳада 155 фоиз ўсишга эришилди.

Фаоллар йиғилишида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг бажарилиши

чуқур таҳлил қилинди. Шунини айтиш керакки, ҳисобот даврида 80,4 километр табиий газ, 15,8 километр ичимлик суви тармоқлари барпо этилиб, 52,7 минг квадрат метр уй-жой қурилди.

Шу билан бирга, йиғилиш қатнашчиларининг эътибори иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришдаги айрим муаммолар, биринчи чорақда йўл қўйилган камчиликлар ва фойдаланилмай қолган имкониятларга қаратилди. Бир қатор корхоналар мўлжалдагидан кам маҳсулот ишлаб чиқарди. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ҳамон паст. Саноат корхоналарида, айниқса, хориждан сотиб олинган ва хануз ўрнатилмай қолаётган асбоб-ускуналар бор. Сотилмай, омборларда туриб қолаётган маҳсулотлар ҳам ҳамон камаймаяпти. Айниқса, коммунал хизмат соҳасида ислохотларнинг бориши қониқарсиз аҳволда қолаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Чунончи, коммунал хўжалик субъектлари ва аҳолининг дебиторлик қарзлари бирмунча ортди.

Фаоллар йиғилиши талабчанлик руҳида ўтди, бир қатор шаҳар ва туман ҳокимликлари, тармоқ раҳбарларига иқтисодий имкониятларни тўла ишга солиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Вилоят фаолларининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Азимов сўзга чиқди.

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

ҒОФИР ОТАНИНГ ҚУВОНЧИ



Ўртачирчиқ туманидаги Галаботир қишлоғида яшовчи иккинчи жаҳон уруши биринчи гуруҳ ногирони Ғофир ота Шамшиев эшиқдан кириб келган «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Нуъмон Насимов, туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Сафар Шерматов, Ўртачирчиқ тумани ҳокими муовини Ёқуб Турсуновларни кўриб, беҳад хурсанд бўлди.

– Сизга байрам совғаси олиб келдик, – деди Нуъмон ака отахон билан омонлашар экан. – Энди аравачага миниб, бемалол ховлида сайр қилсангиз бўлади.

Шундан сўнг отахонга қўл билан бошқариладиган махсус аравачани топширишди. Отахон «Нуроний» жамғармасининг кўрсатаётган ғамхўрликлари учун миннатдорчилик билдирди.

– Бундан уч-тўрт кун олдин Ғофир отага ёғоч оёқ – протез ҳам топширилган эди, – дейди С.Шерматов. – Илтимосимизга бефарқ қарамаган республика ижтимоий таъминот вазирлигидан, «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилояти бўлимидан жуда ҳам хурсандимиз.

Хотира ва Қадрлаш куни байрами олдида топширилган совға, самимий кутловлардан отанинг, унинг хонадон аъзоларининг боши осмонга етди. Зеро, бу совға Ғофир отанинг кўп йиллик орзуси эди.

Турсун АБДУЛЛАЕВ.

СУРАТДА: Ғофир ота Шамшиевга вилоят «Нуроний» жамғармасининг совғаларини топшириш пайти.

Анда СЕИТОВА олган сурат.



таҳассисларнинг малакасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Тошкент Давлат Аграр университети (ТДАУ) нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда энг йирик қишлоқ хўжалик олий таълим даргоҳларидан бири. ЎзА мухбири ТДАУ ректори, профессор Ҳасан Бўриевдан кейинги ўн йилда қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги таълимида рўй берган ўзгаришлар тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

– Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўз иқтисодиётини бозор муносабатлари асосида ривожлантирмоқда. Демак, ишлаб чиқарувчи учун маҳсулотнинг рақобатбардошлилиги ва хариддорлиги асосий аҳамиятга эга. Иқтисодиётимизда катта ўрин тутадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ташкилотчилари олдида ҳам шундай вазифалар турибди. Мисол учун, бир қанча хўжаликларда ҳанузгача эскича усулда етиштирилаётган сифати паст пахта толаси жаҳон бозорида қадрланмайди. Сўғориладиган ерлар аҳволи ҳам ташвишли бўлиб, уларнинг 50 фоизи мелиоратив жиҳатдан яхшиланмишга муҳтож. Қишлоқ хўжалиги соҳасида мавжуд бўлган шу каби муаммоларни ҳал этиш, табиийки, муайян соҳа мутахассисларининг касбий тайёргарлик даражаси ва малакасига боғлиқ.

Бугунги кунда иқтисодиёт зиммасига юкланаётган бозор талаблари таълим соҳасига ҳам тегишлидир. Президент Ислон Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури нафақат жаҳон андозаларига мувофиқ, балки чуқур касбий билимларга эга бўлган янги мутахассислар авлодини, юқори фазилатларга эга фуқаро, ватанпарвар шахсни тарбиялашга қаратилган. Университетимиз ҳозирда янги таълим технологияларини жорий этиш ва ўзлаштириш, республикадаги қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларида ўқув ва ўқув-услубий ишларни такомиллаштириш бўйича марказ сифатида эътироф этилмоқда.

– Ҳасан Чўтбоевич, ташкил этилганига 70 йил, университетга айлантирилганига яқинда 10 йил тўладиган олий ўқув юрти тарихи тўғрисида сўзлаб берсангиз.

– Тошкент Давлат Аграр университети Марказий Осиёдаги энг кекса олий ўқув юртларидан биридир. 1930 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг қишлоқ хўжалиги факультети базасида қишлоқ хўжалиги институти ташкил қилинди. 1991 йилда Марказий Осиё минтақасидаги шундай олий ўқув юртлари ичида биринчи бўлиб унга Аграр университет мақоми берилди. Бунга олий ўқув юртидаги мавжуд улкан илмий салоҳият, илм-фанни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлашда эришилаётган муваффақиятлар асос бўлди. Мамлакатимизда университетимиз битирувчилари ишламаётган бирон-бир йирик аграр корхона, илмий муассаса, олий ўқув юрти, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш идораси йўқ, ҳисоби. Уларни қўшни республикаларда ҳам қўплаб учратиш мумкин. Ўтган йиллар давомида 52 мингдан ортиқ олий маълумотли мутахассис тайёрланди. Шунинг билан айтишим мумкинки, кўпгина шогирдларимиз ишлаб чиқариш илгорлари, таниқли олимлар бўлиб етишган, катта меҳнат жамоаларига раҳбарлик қилишмоқда. Уларнинг орасида 40 дан ортиқ «Қаҳрамон», кўпгина юксак давлат мукофотлари эгалари бор.

Бугунги кунда университетда 4,5 мингга яқин талаба билим олмоқда. Мутахассислар тайёрлаш 9та йўналиш бўйича олиб борилаётир. Улар агро-тупроқшунослик ва агрохимия, мевасабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, селекция ва қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги, зоотехника, ўрмон хўжалиги, агроиқтисодиёт, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишларидир. 33та кафедрада 300дан ортиқ ўқитувчи бўлиб, уларнинг 60 фоизи илмий даражаларга эга. Лекциялар ўқиш учун нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларда жойлашган

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимизнинг муҳим соҳаларидан биридир. Соҳадаги ислохотлар самараси ва ишлаб чиқариш самарадорлиги унда меҳнат қилаётган мутахассисларнинг

лари бўйича дастурлар лойиҳалари тайёрланди. Икки йил олдин очилган магистратурада 130 нафар йигит-қиз тахсил олмоқда. Жорий йилнинг ёз фаслида магистратура дастлабки битирувчилар якунлайди.

Узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини – ишлаётган мутахассислар малакасини оширишдан иборат. Университет қошида ташкил этилган малака ошириш марказида 42 мингдан ортиқ киши қайта тайёргарликдан ўтди.

– Кейинги йилларда ўқув дастурларига қандай ўзгаришлар киритилди, ўқув жараёнига қандай янги таълим шакллари жорий этилди?

– Барча ўқув режалари ва дастурлари жамиятимиз ва иқтисодиётда содир бўлаётган ўзгаришлар, жаҳон талабларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чи-

никса қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш амалиёт билан боғланмаса, қутулган самарани бериши қийин. Университетингиз ўзининг амалиёт базаси билан танилган...

– Бизда, ҳақиқатан ҳам, амалий машғулотларга жуда кўп вақт ажаратилади. Хусусан, 3-4 курсларда улар ўқиш даврининг ярмини ташкил этади. Олий ўқув юртида турли тадқиқотлар ўтказиш учун зарур ускуналар билан жиҳозланган кўпгина лабораториялар мавжуд. Бироқ амалий машғулотларнинг асосий базаси биз учун бу – умумий майдони 3 минг гектардан иборат ўқув илмий-ишлаб чиқариш тажриба хўжалигидир. Бу ерда пахта, галла, шўли, сабзавотлар ва озуқа экинлари етиштирилади. Мевазор бор,

ИЛМНИ БОРГА КЎНГИЛ ОЧАР ЕР



қилди. Бугунги кунда университет педагоглари жамоаси эътиборини талабаларнинг иқтисодий билимларини чуқурлаштириш, уларда юқори касбий кўникмалар ҳосил қилдириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига оид илғор технологияларни ўзлаштириш, маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлашга доир билимларини кенгайтиришга қаратмоқдамиз. Ушбу мақсадда ўқув режаларига бир қанча янги фанлар киритилди, янги кафедралар тузилди.

Мисол учун, бундан уч йил аввал «Раҳбарнинг усули, дунёқараши ва масъулияти» номи янги курсни жорий этдик. Тажриба шуни кўрсатадики, уларнинг кўпчилиги олий ўқув юрти битирганидан сўнг раҳбарлик вазифалари билан тўқнаш келади. Бу фан бакалавриятнинг охириги 4 курсида ва малака ошириш курсларида ўқитилади. Кўпгина машғулот-

ларимиз Президент Ислон Каримовнинг кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш, шунингдек кундалик меҳнат фаолиятида раҳбарнинг муҳим роли қайд этилган асарларини ўрганишга асосланган. Янги курснинг ўзига хос хусусияти шундаки, маърузаларни турли соҳалардан таклиф этилган, кўп йиллик раҳбарлик тажрибасига эга бўлган мутахассислар ўқитмоқда. Улар орасида вазирил ва ҳокимлар, хўжаликлар, олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар раҳбарлари бор. Улар ёшларга ўз тажрибаларини ўргатиб, уларни ишни тўғри ташкил этиш, меҳнат жамоасини юқори натижага эришиш йўлида бирлаштириш усуллари билан таништиради. Талабалар буюк аждодларимиз – Амир Темур, Алишер Навоий, Фаробий, Имом ал Бухорий, ат Термизий ва бошқа алломаларимиз меросини ҳам ўрганадилар.

Университетимиз кутубхонаси жамғармаси 1 миллион китобдан иборат бўлиб, талабалар ҳамда ўқитувчилар учун ажойиб манба ҳисобланади. Китоблар сони мунтазам равишда кўпайтириб борилмоқда. Хар йили 9 мингга яқин янги ўқув кўлланмалари, китоблар, даврий нашрлар олаёпмиз.

Талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, ҳар қандай касб устаси маънавий баркамол, муайян дунёқарашга эга бўлган тақдирда элу юрт қорига ярайди. «Маънавият ва маърифат» маркази ўз фаолиятини ана шу мақсадларга қаратган.

Ўқув дастурига киритилган «Миллий мустақиллик гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» курсини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Янги демократик жамият қуриш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш жараёнининг фаол иштирокчиси бўлиши лозим бўлган ёшлар мустақил Ўзбекистон халқи олдида турган мақсад ҳамда вазифаларни яхши идрок этиш, жаҳонда кечаётган гоёлар ва мафкуралар кураши тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши лозим.

– Хар қандай ишлаб чиқариш, ай-

тутзор, чорвачилик мажмуи ва қўйчилик фермаси, иссиқхоналарга эгамиз. Талабалар хўжаликда ишлаб тажриба-ли педагоглар раҳбарлигида машғулотларда олган назарий билимларини амалий мустаҳкамлайди. Диплом ишлари амалиёт натижалари асосида ёқланади.

Университет ҳудудида кичкина иссиқхона хўжалиги, кўзқоринлар етиштириш технологияларини такомиллаштириш билан шуғулланувчи фунгиказ, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усуллари ўрганиладиган республика илмий-ишлаб чиқариш биологика хўжалиги жойлашган.

– Ҳасан Чўтбоевич, мазкур ишлаб чиқариш тузилмалари илмий-тадқиқот ишлари учун ҳам тажриба майдони вазифасини ўтаса керак?

– Шубҳасиз. Зеро ҳар қандай олий ўқув муассасасининг олдида илм-фанни ривожлантириш вазифаси ҳам туради. Аграр университет ҳозирги пайтда 11та мажмуавий илмий мавзулар бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда, 3та устувор давлат дастурлари, 14та давлат илмий-техник дастурлари ва 81та хўжалик шартномаси бўйича иш олиб борилмоқда. Олимларимиз биология, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт фанини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Кўпгина кафедралар томонидан қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов бериш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ўрмон хўжалиги, ипакчилик, чорвачиликда маҳсулдорликни оширишга доир янги агротехника усуллари ва технологиялари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Биз замонавий қишлоқ хўжалиги фани билан ҳамқадам бўлишга ҳаракат қилияпмиз. Ушбу мақсадда мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар, жаҳоннинг кўпгина давлатларидаги ҳамкасблар билан фаол ҳамкорлик қилияпмиз. Аграр университети Европа иттифоқининг ТАСИС ва ТЕМПУС дастурларини, Жаҳон банкининг махсус дастурларидан бирини амалга оширишда иштирок этмоқда. Менежмент ва агробизнес кафедраси қошида ташкил этилган Жаҳон иқтисодий ривожланиш институти маркази дунёнинг 115 давлатидаги давлат муассасалари, банклар, аграр вазириллар ва олий ўқув юртлари ходимларини бирлаштиради. Буюк Британия, Греция, Миср, Исроил, Италия, Жанубий Корея, Малайзия, Нидерландия, Туркия, АҚШ ва бошқа давлатларнинг йирик университетлари ва таълим марказлари билан икки томонлама шартномалар тузганмиз. Улар билан талабалар ва ўқитувчилар малакасини ошириш, илмий ахборот алмашиш, замонавий педагогик технологияларни ўзлаштириш йўлга қўйилган.

Анна ИВАНОВА суҳбатлашди.

СУРАТДА: Тошкент Давлат Аграр Университетининг умумий кўриниши.

Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Dushanba

7

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
*
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 Улуғ аждодларимизга эхтиром.
«Ўзбектеlevision» намоиши: «Камолдин Бехзод».
9.15 Эстрада тароналари.
9.40, 12.25 ТВ-метео.
9.45 «Ранглар жилоси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Нозикойм». Бадий фильм.
11.30 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.05 «Шоҳрух» клуби.
12.30 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
12.55 ТВ-анонс.
13.00 «Даврани

кенгроқ олинг». Муסיкий дастур.
13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 ТВ-1 намоиш этади. Телеанонс.
14.25 «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 «Сехрли чироқ». Мультфильм.
16.05 «Зиё» студияси намоиш этади: «Этикод мустақамлиги йўлида».
16.35 ТВ-клип.
16.45 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.10 Экранда - телесериал. «Борже узуги».
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 «Муסיкий альбом».
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Муסיкий дастур.
21.30 «Маънавият» дастури.
«Спорт» дастури:
22.30 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари яқунларига доир.
22.50 Теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири.
23.20 «Ахборот».
23.55 Тунги сеанс: «Колонна». Бадий фильм. 1-қисм.
1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: «Катта танафус».
10.20 Саломатлик сирлари.
10.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.40, 15.00 Муסיкий лаҳзалар.

11.50 «Танбур». Телефильм.
12.10 «Етти фарёд». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
13.00 Мультмоша
13.15 «Етти фарёд». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
14.10 Жаҳон жуғрофияси: «Чесопик кўрфаз фарзандлари».
15.10 «Улкан балиқ ови». Бадий фильм.
16.20 «Эхтиросларга йўрилган ўйин». Видеофильм.
16.40 Ёшлар куйлайди.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Кувноқ учрашув».
17.25 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 21-қисм.
17.50 «Мультмоша». Видеофильм.
18.05 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
18.30 Спорт ҳафтано-

маси.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Муסיкий лаҳзалар.
19.45 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига. «Алишер Навоий». Видеофильм. 17-қисм.
20.20 Олтин мерос.
20.25 Ёшлар овози.
20.45, 21.15, 22.30 Ёшлар.
20.50 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
21.20 Ёшлик наволари.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.15-1.20 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «2001 йил - Оналар ва болалар йили». «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 21.00, 23.05, 00.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эхтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклимиз, қўлаймиз».
20.40, 22.45 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Сухбатдош».
22.10 «Авто-news».
22.25 «ТВ плюс».
23.30 «Оҳанглар ва ёшлар».
23.35 ТТВда сериал: «Селеста».
00.40-00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
*
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ
*
15.00 Кўрсатувлар тартиби.

15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Контакт».
17.00 «Болалар куйлаганда».
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 «Саёхатлар олами».
17.40 «Клип антракт».
*
17.45 «Мени кутгил».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.40 «Бизнес-ревью».
20.50 «ТВ-4да Немис тўлкини».
21.10 «Клип антракт».
21.25 Кинематограф. «Доно Мондухай хоним». Бадий фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Seshanba

8

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Унутилган ўйинлар».
9.10 «Рақслар гулдаси».
*
9.35, 13.05 ТВ-метео.
9.40 «Карлсоннинг қайтиши». Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Кундузги сеанс: «Олтин занжир». Бадий фильм.
11.30 «Бахтимизга омон бўлинг».
11.50, 13.55 ТВ-анонс.
12.05 «Маънавият» дастури.
13.10 «Оламга саёхат». Кинокўрсатув.
13.30 «Оиламиз

оҳанглари» телефестивали.
14.10 «Кувноқ стартлар». Телемусобақа.
14.50 ТВ-клип.
15.00 Кундузги сеанс: «Ёр-ёр». Бадий фильм.
16.05 Болалар учун. «Кўшигим - жон қўшиғим».
16.30 «Қизлар давраси».
17.40 «Адолат мезони».
18.10 Ойнаи жаҳон тақдими: «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.
18.35 «Орзулар дово».
18.45 «Таянч нуқтаси».
19.00 «Куйла, ёшлигим».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.55 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон

янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Навийхонлик».
21.15 «Сиёсат ва одамлар».
21.30 «Қўшиғимиз Сизга армуғон». Муסיкий дастур.
«Спорт» дастури:
22.05 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари яқунларига доир.
22.25 Теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири.
23.00 «Ахборот».
23.35 Тунги сеанс: «Колонна». Бадий фильм. 2-қисм.
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Кувноқ учрашув».
9.40 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 21-қисм.

10.05, 14.20, 15.20, 16.20 Муסיкий лаҳзалар.
10.10 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.30 «Алишер Навоий».
Видеофильм. 17-қисм.
11.05 Олтин мерос.
11.10 «Даллас». Телесериал.
11.55 Ёшлар овози.
12.15 «Ҳақиқат черараси». Телесериал. 1-қисм.
12.45 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
14.30 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
14.50 Мультфильм.
15.30 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 86-қисм.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 22-қисм.
17.00 «Мультмоша».
17.15 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 2-

қисм.
17.40 Таянч.
17.55 Ёшлар куйлайди.
18.10 Авторейд.
18.25 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига. «Барҳаёт Навоий».
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Муסיкий лаҳзалар.
20.00 «Алишер Навоий».
Видеофильм. 18-қисм.
20.35 Олтин мерос.
20.40, 21.10, 22.30 Ёшлар.
20.45 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
21.15 Мухаббат қўшиқлари.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас».

Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интер-футбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.10 «Спорт оламида».
18.30, 21.00, 23.00, 00.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эхтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклимиз, қўлаймиз».
20.40, 22.40 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Дурдона».
22.10 «Хонадонингиз осойишта бўлсин».
23.25 Оҳанглар ва ёшлар.
23.30 ТТВда сериал: «Селеста».
00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00

14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ
*
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Мультчархпалак».
15.20 «Клип-антракт».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
16.55 «Ўз - ўзига режиссёр».
17.25 «Олам бўйлаб».
18.15 Кинематограф. «Судда кўришгунча». Бадий фильм.
*
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.40 «Бизнес-ревью».
20.45 «Х - спорт».
21.00 «Клип антракт».
21.15 Кинематограф. «Сўнги романс». Бадий фильм.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Chorshanba

9

«Ўзбекистон» телеканал

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Қўхна замин оҳанглари». Муסיкий дастур.
9.30 «Алпомиш». Мультфильм.
9.50, 12.50 ТВ-метео.
9.55 «Тиббиёт одимлари».
10.05 ТВ-клип.
10.15 «Камолот сари».
10.35 «Алиса». Мультфильм.
11.50, 14.05 ТВ-анонс.
12.00 Янгиликлар.
12.05 «Оталар чойхонаси».
12.55 «Бардош». Бадий фильм.
14.10 Болалар учун. «Кичкинтоймиз»

гизингтоймиз».
14.35 «Остонаси тиллодан».
15.00 Болалар учун. «Зарб-2001» кўриктанлови.
15.25 «Мухаббат султони». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
16.50 ТВ-клип.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
17.55 ТВ-маркет.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сехрли ҳарфлар оролчаси».
18.30 «Иқтисод ва биз».
18.40 «Аёл дунёни тебратар». Бадий-публицистик кўрсатув.
18.55 Муסיкий альбом.
19.05 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.20 «Ўзбекистон - Ватаним маним». Муסיкий дастур.
22.00 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари яқунларига доир.
22.20 «Олам». Телеальманах.
23.00 «Ахборот».
23.35 «Ўткан кунлар». Бадий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Мультмоша».
9.15 Болалар учун концерт.
9.35 «Самовий саргузаштлар. Болалар учун телесериал. 22-қисм.
10.00 «Давр». Ахборот дастури.
10.15 «Алишер Навоий».

Видеофильм. 18-қисм.
10.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
11.00 «Сен етим эмассан». Бадий фильм.
12.15 Ботир Зокиров қўшиқлари ёш хонандалар ижросида.
12.35 «Ҳақиқат чегараси» Телесериал.
13.00 Марду майдон.
13.15 «Ниҳол» мукофотининг совриндорлари куйлайди.
14.30 «Маҳаллада дув дув гап». Бадий фильм.
15.50 Таваккал Қодиров қўшиқлари ёш хонандалар ижросида.
16.05 «Хотира майдони». Телефильм.
16.25 Комилжон Отаниёзов қўшиқлари ёш хонандалар ижросида.
* * *
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: «Болалар учун концерт».

17.00 «Мультмоша».
17.15 «Ҳақиқат чегараси».
17.30 Телесериал.
17.40 Муסיкий лаҳзалар.
17.50 «Хотира». Видеофильм.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Ёшлик наволари.
19.55, 22.30 Ёшлар.
20.00 «Спорт-лото».
20.10 Очил дастурхон.
20.30 «Умрбоқий қўшиқлар». Муסיкий фильм.
20.50 «Алишер Навоий».
Видеофильм. 19-қисм.
21.20 Юлдуз Усмонова: «Сени куйлайман, Ўзбекистон».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 «Мафтунингман». Бадий фильм.
0.10 «Давр». Ахборот дастури.
0.25-0.30 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.30, 21.00, 23.05, 00.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эхтиром ила».
19.25 «Соғинч». С. Зуннунова.
19.40, 21.25 «Табриклимиз, қўлаймиз».
20.10 «Ўз касбининг фидойилари».
20.20, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
20.40 «Мисли гавҳар».
21.55 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам».
22.35 «Сиз соғинган наволар».
23.30 Оҳанглар ва ёшлар.
23.35 Кинонигоҳ.
«Тўйлар муборак».
1.05-1.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ.
*
15.00 Кўрсатувлар тартиби.

15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
16.55 «Болалар куйлаганда».
17.05 Телефильм.
17.20 Кинематограф. «Эдит ва Марсель». Бадий фильм.
19.20 «Кўнгил - кўнгилга пайванд». Шоу дастури.
*
20.00 «Время».
*
20.40 «Бизнес-ревью».
20.50 «Вакт хазинасидан».
21.05 «Клип антракт».
21.20 Кинематограф. «Тақдир эшиги». Бадий фильм.
22.30 «Ахборот» (рус тилида)
22.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Payshanba

10

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Жозиба». Муסיкий дастур.
9.25 «Фаррух ва

Зумрад». Мультфильм.
9.40, 12.25 ТВ-метео.
9.45 «Аёл дунёни тебратар». Бадий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва тақлиф».
10.20 Кундузги сеанс:

«Кечиролсанг, кечир - мени». Бадий фильм.
11.40 «Сехрли ҳарфлар оролчаси».
12.05 «Йнсон ва қонун».
12.30 «Барака ёмғири». Мультфильм.
12.40 «Ўзбекистон - Ватаним маним». Муסיкий дастур.
13.15 «Олам». Телеальманах.
13.55, 16.50 ТВ-анонс.
14.10 «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
14.50 «Озода бўлса

шаҳринг».
15.05 «Куйлардан қўшиқларга».
15.30 Кундузги сеанс: «Замонавий аёл». Бадий фильм.
17.00 «Талабалик йиллари».
17.20 ТВ-клип.
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Сихат-саломатлик».
18.30 «Ифтихор».
18.50 «Ажаб саодат эрур». Бадий-

публицистик кўрсатув.
19.10 «Юки ерда қолмас элимнинг».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.50 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 II чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V

сессияси олдидан.
«Парламент вақти».
21.25 «Ўзбекистон бастакорлари». Мутал Бурхоннов.
21.55 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари яқунларига доир.
22.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.
«Истиклолдан зиё топган юрт». Телетанлов. Экранда - Қорақалпоғистон

Республикаси.
22.45 «Саҳна ҳаёти».
23.15 «Ахборот».
23.50 Тунги сеанс: «Яратганга шукр». Бадий фильм.
1.30-1.35 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Болалар учун концерт».

9.35 Мультфильм. 9.55, 10.15, 14.10 Муслиқий лахзалар. 10.00 «Давр»-интервью. 10.25 «Алишер Навоий» Видеофильм. 19-қисм. 10.55 Олтин мерос. 11.00 «Даллас». Телесериал. 11.45 Бегойим. 12.10 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 12.35 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. 14.20 «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажайиб саргузаштлари». Бадий фильм. 15.55 Сенинг вақтинг. 16.15 Спорт қитъаси. 16.40 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 17.05 Кўрсатувлар дастури. 17.10 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус». 17.30 «Мульттомоша». 17.45 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 23-қисм. 18.10 Далил ва шарҳ. 18.25 Табобат оламида. 18.45 Оқшом наволари.	18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари. 19.35 «Давр»-интервью. 19.50 «Алишер Навоий». Видеофильм. 20-қисм. 20.30 Муслиқий лахзалар. 20.35 Мезон. 20.55, 21.55, 22.30 Ёшлар. 21.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал. 21.30 Ёшлар овози. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури.	22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари. 22.40 «Даллас». Телесериал. 23.25 «Давр». Ахборот дастури. 23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. 1.15-1.20 Ҳайрли тун! «Тошкент» телеканалда 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Мультфильм. 18.15 «Митти юлдузлар». 18.30, 21.00, 23.00, 00.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.	18.55 «Эхтиром ила». 19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара». 20.05, 21.25 «Табриклимиз, кутлаймиз». 20.40, 22.40 «Экспресс» телегазетаси. 21.55 «Этикод». 22.10 «Ёшлар худуди». 23.25 Оҳанглар ва эълонлар. 23.30 ТТВда сериал: «Селеста». 00.35-00.40 «Ҳайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.00 ТУРКИЯ	ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ. 15.00 Кўрсатувлар тартиби. 15.05 «Мультчархпалак». 15.20 «Болалар куйлаганда». 15.30 «Вести». 16.00 «Морена Клара». Сериал. 16.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 16.55 «Икки рояль». 17.40 «СНН-шоу». 17.55 А. Гордон ва В. Соловьёв «Судлов жараёни» дастурида. 18.40 «Мэри хоним».	Бадий фильм. 19.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!» 20.00 «Время». 20.40 «Бизнес-ревью». 20.45 «Дипкурьер». 21.05 «Кино сайёраси». 21.15 «Клип антракт». 21.30 Кинематограф. Эйс Вентура: «Уй ҳайвонларини қидириш». Бадий фильм. 22.50 «Ахборот» (рус тилида) 23.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»
---	---	--	--	---	--

JUMA

11

«Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Кушлар». 9.15 «Афсона» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 9.35, 12.25 ТВ-метео. 9.40 «Ажаб саодат эрур». Бадий-публицистик кўрсатув. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 «Инсон ва замин». 10.20 Болалар экрани: «Шум бола». Бадий фильм. 11.50 «Муҳофаза». 12.05 «Акаир». Мультфильм.	12.30 «Кодекс». 12.45 «Озод юрт одамлари». 13.00 «Севги сурури». Муслиқий дастур. 13.25 «Саҳна ҳаёти». 13.55, 15.10 ТВ-анонс. 14.10 «Парламент вақти». 14.30 «Билим-ринг». 14.50 Лирик тароналар. 15.15 Кундузги сеанс: «Зирапча». Бадий фильм. 16.45 «Битик». 17.05 ТВ-интернет. 17.10 Экранда телесериал. «Борже узуги». 18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал. 18.30 ТВ-клип. 18.35 «Омад қувончи». Телелотерея. 19.05 «Имконият». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари.	20.15 «Тиббиёт одамлари». 20.30 «Ахборот». 21.05 II чакрик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессиясида. 22.35 «Тошкент баҳори - 2001». I Халқаро мусика фестивалининг очилиши. 23.15 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари якунларига доир. 23.35 «Ахборот». 00.10 «Олам». Телеальманах. 00.45-00.50 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус». 9.35 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 23-қисм. 10.00 «Давр»-интервью. 10.25 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.	10.45, 15.15 Муслиқий лахзалар. 10.55 «Алишер Навоий». Видеофильм. 20-қисм. 11.35 Олтин мерос. 11.40 «Даллас». Телесериал. 12.25 Ёшлар овози. 12.45 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 13.15 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. 14.50 «Мезон». 15.10 «Рей Брэдбери театри». Телесериал. 15.35 «Бинафшаранг шар». Бадий фильм. 16.55 Кўрсатувлар дастури. 17.00 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит». 17.20 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 24-қисм. 17.45 «Мульттомоша». 18.00 Ёшлар куйлайди. 18.10 Автосалтанат. 18.25 Аскар мактублари. 18.45 Оқшом наволари.	18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари. 19.35 Ёшлик наволари. 19.50 Саломат бўлинг. 20.10 Муслиқий лахзалар. 20.15 Аср қиёфаси. 20.35, 21.05, 22.30 Ёшлар. 20.40 «Рей Брэдбери театри». Телесериал. 21.10 Азизим. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари. 22.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари. 23.40 «Давр». Ахборот дастури. 23.55-0.05 Мунаввар тонг истаб. «Тошкент» телеканал 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Хуқуқимиз кафолати». 18.30, 21.00, 23.05, 00.10 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.55 «Эхтиром ила». 19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара». 20.05, 21.25 «Табриклимиз, кутлаймиз». 20.40, 22.25 «Экспресс» телегазетаси. 21.55 «Дорихона эшитида». 22.45 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Биз ва болалар». 23.30 ТТВда сериал: «Селеста». 00.35 Оҳанглар ва эълонлар. 00.40 Кинонигоҳ. «Саргузашт излаб». 2.15-2.20 «Ҳайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ. 15.00 Кўрсатувлар тартиби. 15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз	тилида) 15.15 «Мультчархпалак». 15.30 «Вести». 16.00 «Морена Клара». Сериал. 16.45 «Болалар куйлаганда». 16.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 17.00 CFI тақдим этади: «Шамбор қасрининг сирлари». 17.50 «Подיום». 18.25 «Ажойиб воқеалар». 18.40 «Мўжизалар майдони». 19.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!» 20.00 «Время». 20.45 «Бизнес-ревью». 20.55 «Бомонд». 21.20 «Дурдаршан». 21.45 «Клип антракт». 22.00 Кинематограф. «Уйланишни истайман». Бадий фильм. 23.20 «Ахборот» (рус тилида) 23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»
---	---	--	---	--	--

SHANBA

12

«Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 Газеталар шарҳи. 8.50 «Муслиқ бўстони». Телеальманах. 9.10 «Оқ бўталоқ», «Оқ қарқара». Мультфильмлар. 9.50, 11.55 ТВ-метео. 9.55 «Нурафшон». Тележурнал. 10.15 Телевизион новеллалар театри 11.15 Болалар учун. «Санъат гўнаҳлари». «Тирик сайёра» кинодастурлари: 11.40 «Ноилж сайёдлар - 3». Хужжатли фильм. 12.30 «Цирк, цирк, цирк». 12.50 ТВ 1 кинотеатри: «Есенин». Бадий фильм. 1-қисм.	14.00 «Аёл қалби наволари». Муслиқий дастур. 14.25 «Дўстлик» видеоанали. 1. «Меҳрангез». 2. «Жетиген». 14.40 «Есенин». Бадий фильм. 2-қисм. 15.40 «Қалб гавҳари». 16.00 «Гольф-клуб». 16.15 «Мўжизалар майдончаси». Телейин. 17.10 «Алломиш авлодлари». Спорт дастури. 17.40 «Фламинго». Киноқўрсатув. 18.00 «Санъат олами». 18.20 «Бинафша». Тележурнал. 18.45 «Бадий кенгашдан сўнг». 19.10 «Қишлоқ ҳаёти». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз	тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 II чакрик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессиясида. 22.05 «Муслиқор». Ўзбекистон халқ артисти М. Раззоқова билан учрашув. 22.30 «Шанба оқшомиди». Бадий-муслиқий дам олиш дастури. 23.20 «Ахборот». «Тунги ёғду». Дам олиш дастури: 23.55 «Бозигар». Бадий фильм. 1-қисм. 1.25-1.30 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит». 9.20 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 24-қисм. 9.45 Табобат оламида. 10.05, 16.50 Муслиқий лахзалар.	10.15 Жаҳон жуғрофияси: «Чесопик кўрфазы фарзандлари». 11.05 Аср қиёфаси. 11.25 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари. 12.25 Сийрат. 12.45 Муслиқий дастур. 13.05 «Рамаяна». Телесериал. 13.40 Қутилмаган меҳмон. 14.00 Бола тилидан. 14.30 Муслиқий дастур. 14.50 «Рей Брэдбери театри». Телесериал. 15.15 Қўна оҳанглар. 15.25 Мульттомоша. 15.40 Синфдош. 16.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис. 17.00 Кўрсатувлар дастури. 17.05 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар». 17.25 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 25-қисм. 17.50 «У ким? Бу нима?» Болалар учун кўрсатув. 18.10 Ёшлар куйлайди. 18.25 Футбол плюс...	18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 ТВ-анонс. 19.35 Каталог. 19.45 Муслиқий лахзалар. 19.55, 20.35, 23.05 Ёшлар. 20.00 «Рамаяна». Телесериал. 20.40 Ёшлар овози. 21.00 Ёшлик қўшиқлари. 21.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига «Бунёдкорлик». «Одамларнинг ғамини уйлаб...» 21.45 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Тунги тароналар. 22.40 ТВ-саҳнат. 23.10 «Аёл таровати». Бадий фильм. 1-қисм. 0.30 Дирижабл. 0.50-0.55 Ҳайрли тун! «Тошкент» телеканал 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Митти	юлдузлар». 18.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда». 19.10 «Эхтиром ила». 19.40, 20.45, 21.35 «Экспресс» телегазетаси. 20.00 «Интер-спорт». 20.15, 21.05 «Табриклимиз, кутлаймиз». 21.55 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Сериал. 22.45 «Авто News». 23.00 «Файзли оқшом». Дам олиш дастури. 23.40 Оҳанглар ва эълонлар. 23.45 Кинонигоҳ. «Миллий балиқ ови хусусиятлари». 1.20-1.25 «Ҳайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Клип-антракт». 9.10 «Смак». 9.30 Е. Петросьяннинг Кулгу панорамаси. 10.10 Кундузги сеанс: «Қутилмаган меҳмон». Бадий фильм.	11.25 «Фан-тайм». 11.35 «CFI янгиликлари». 11.45 «До-ми-соль». Болалар учун шоу дастури. 12.30 «Инглиз тили Сиз учун». 12.55-13.45 Дўстлик видеоанали: «Чинсэн», «Бизнен мирас», «Машриқ оҳанглари». *** 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Британия кундалиги». 18.25 Буюк изкувар. «Коломбо ва бошқалар». 20.00 «Время». 20.50 «7 дан 70 гача». 21.20 «Бизнес-ревью». 21.25 «Италия ҳақида хикоялар». 21.40 «Музик-холл». 22.10 Кинематограф. «Бергамолик Труфалдино». Бадий фильм. 00.10 Ахборот (рус тилида) 00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»
---	--	--	---	---	---	--

Yakshanba

13

«Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.05 «Бир наво истар кўнгил». Тўлқин Ҳайдаров. 9.25, 11.00 ТВ-метео. 9.30 «Ғаройибот». 9.45 Мультфильм. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!» 11.05 «Юрган - дарё». 11.20 ТВ-клип. 11.30 «Шоҳрух» клуби. 11.55 «2001 йил - Оналар ва болалар йили». «Она меҳри». 12.15 «Мўжизалар майдончаси». Телейин. 13.10 ТВ 1 кинотеатри: «Кавказ асираси». Бадий	фильм. 14.25 «Яхши кайфият». Муслиқий дастур. 14.55 Киноанонс. 15.00 «Бу ажиб фасл». Телеальманах. 15.25 ТВ-клип. 15.30 Мустақиллик тимсоли. Ўзбекистон театрларининг фестивали. Бурҳон Исломов. «Самарқанднома». Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилояти муслиқали драма театрининг спектакли. 16.45 «Қувноқ шаҳарча». Телейин. 17.15 «Яккама-якка жанг». Каратэ. 15.35 «Ёзуви ва замон». 17.50 Киноанонс. 18.00 Ойнаи жаҳон тақдими. «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси. 18.25 «Олтин тож». Телевизион ўйин.	18.45 «Қишлоқ ҳақида ўйлар». 19.05 «Тўртинчи ҳокимият». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёшлар. 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида) 20.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига. «Оиламиз оҳанглари» телефестивали. 20.30 «Тахлилнома». 21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». Бадий-муслиқий дам олиш дастури. 21.45 «Футбол олами». 22.15 Телевизион миниатюралар театри. 22.50 Теннис бўйича «Челленжер» халқаро турнири. 23.20 ТВ-1 намоиш этади. «Якшанба кинозали»: 23.45 «Бозигар». Бадий фильм. 2-қисм. 1.15-1.20 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 7.55 Кўрсатувлар дастури.	8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар». 9.20 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 25-қисм. 9.45 Футбол плюс. 10.05 Ёшлар овози. 10.25 Муслиқий лахзалар. 10.35 Болалар экрани «Бэмбининг болалиги». 11.45 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марду майдон, 2. Аскар мактублари. 12.25 Очил дастурхон. 12.40 Муслиқий дастур. 13.00 «Рамаяна». Телесериал. 13.35 Қишлоқдаги тенгдошим. 13.55 «14-зонадан қочиш». Бадий фильм. 15.30 Азизим. 16.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури. 17.00 Кўрсатувлар дастури. 17.05 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон?». 17.30 «Мульттомоша». 17.45 «Эхтимол улар акдан озишгандир». Телесериал. 18.10 «Қўна оҳанглар». Абдуҳошим Исмоилов. 18.20 «Мени тушун...» Телейин. 18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр» ҳафта ичида. 19.40 Якшанбада кўришгунча. 19.55 Ёшлар куйлайди. 20.05, 20.45, 22.25 Ёшлар. 20.10 «Рамаяна». Телесериал. 20.50 «Аёл қалби наволари». Султон-поша Удаева. 21.15 Синфдош. 21.45 Олтин мерос. 22.00 «Давр»-news. 22.15 Тунги тароналар. 22.30 «Аёл таровати». Бадий фильм. 2-қисм. 23.50-23.55 Ҳайрли тун! «Тошкент» телеканал 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Болалар учун.	«Қуралай». 18.20 ТТВ да сериал. «Луиза Фернанда». 19.10 «Спорт-тайм». 19.50 «Эхтиром ила». 19.30, 20.20, 21.30 «Экспресс» телегазетаси. 20.40, 22.00 «Табриклимиз, кутлаймиз». 21.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Сериал. 22.30 «ТТВ плюс юлдузлар». 22.55 Оҳанглар ва эълонлар. 23.00 Кинонигоҳ. «Изсиз кетган». 00.25-00.30 «Ҳайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Клип антракт». 9.10 Дм. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари». 9.30 «Ҳамма уйдалигиди». 10.10 «Кайфият» дам олиш дастури.	11.10 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 11.20 «Парле ву франсэ?». 11.45 «Эртақларнинг сеҳрли олами». 13.25 «Дўстлик» видеоанали: «Рангинкамон», «Дидар». 14.00-14.30 «Немис тили». *** 17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 «Билишни истайман» Болалар учун кўрсатув. 17.50 «Интернет худуди». 18.05 «Ассалом, Франция!» 18.20 Кинематограф. «Мухим воқеа». Бадий фильм. 19.55 «Олтин грамм-фон». 21.55 «Бизнес-ревью». 22.05 «Тенгдошлар». 22.30 Кинематограф. «Доктор». Бадий фильм. 00.25 Тахлилнома (рус тилида) 00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»
---	---	---	--	---	--

СПОРТ *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ*



ДУРАНГСИЗ ТУР ЎКИ МАЙДОН ЭГАЛАРИНИНГ ҒАЛАБАЛАРИ

Куни кеча мамлакат ўнинчи миллий чемпионатида иштирок этаётган олий табақа жамоалари навбатдаги 9-тур учрашувларини ўтказдилар. Бўлиб ўтган саккиз учрашувнинг барчасида майдон эгалари ғалаба қозондилар. Саккиз учрашувда рақиблар дарвозасига жамми 26та тўп киритилди.

Мамлакат чемпиони «Дўстлик» жамоаси ўз майдонида вилоятимизнинг яна бир вакили «Кимёгар»ни қабул қилиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Бу ғалабадан сўнг «Дўстлик» ўз очколари сонини 16тага етказиб, жадвалда учинчи ўрнига кўтарилди.

Вилоятимизнинг олий табақадаги вакили «Семурғ» Тошкентда «Трактор» меҳмони бўлди. Ангренликлар биринчи бўлимда майдон эгалари билан тенгма-тенг кураш олиб бордилар. Ҳар икки жамоа биттадан тўп киритиб, танаффусга 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан чиқиб кетдилар. Иккинчи бўлимда майдон эгалари ҳужумга зўр бериб, икки бор «Семурғ» дарвозасини ишғол қилдилар ва ҳисобни 3:1га етказиб, муҳим ғалабани қўлга киритдилар. «Трактор» ҳисобидаги очколар 15тага етди.

Вилоятимизнинг яна бир жамоаси «Металлург» Нукусда «Турон»га қарши тўп сурди. Учрашувда майдон эгаларининг ҳужумчиси Омонбой Абдуллаев киритган ягона тўп «Турон»га ҳам муҳим ғалабани келтирди.

Чемпионатда пешқадамлик қилаётган жамоалар ҳам навбатдаги ғалабаларни қўлга киритдилар. «Насаф» «Сўғдиёна»ни қабул қилиб, 4:1 ҳисобида, Фарғонанинг «Нефтичи» жамоаси «Бухоро» билан учрашиб 2:0

ҳисобида ғолиб чиқди.

«Самарқанд» ўз майдонида «Сурхон»ни йирик ҳисобда мағлуб этди. Ўйин тақдири танаффусга ҳал этиб қўйилди. Биринчи бўлим 4:0 ҳисобида якунланди. Учрашув эса 4:1 ҳисобида тугади. Моҳир ҳужумчи Мухсин Мухаммадиев рақиблар дарвозасига учта тўп киритиб «Хет-Трик»га эришди.

Олий табақанинг янги вакили Тошкентнинг «Академия» жамоаси тажрибали жамоалардан тап-тортмай учрашувларини муваффақиятли ўтказмоқда. Ўтган турда улар сафарда ғалаба қучган бўлсалар, бу сафар ўз майдонларида «Навбахор»ни 2:0 ҳисобида мағлуб этдилар. «Академия» ўз очколарини 16тага етказиб, жадвалда тўртинчи ўринга чиқиб олди.

«Андижон» — «Кизилқум» учрашуви 3:2 ҳисобида якунланди. «Зарафшон» — «Пахтакор» учрашуви кечиктирилди. Чемпионатда навбатдаги ўнинчи тур учрашувлари бугун ўтказилади. Вилоятимизнинг икки жамоаси «Дўстлик» ва «Кимёгар» дам оладилар. «Семурғ» Тошкентда «Академия» билан баҳс олиб борса, «Металлург» Навоийда «Зарафшон» билан учрашади. «Трактор» — «Навбахор» ва «Самарқанд-Д» — «Насаф» учрашуви турнинг марказий ўйинлари бўлиши кутилмоқда.

Талъат ЮСУПОВ.



Газетанинг ўтган сонларида хабар берганимиздек, вилоятимиз вакиллари республика мусобақалари дастуридан ўрин олган энгил атлетика ва сузиш спорт турлари бўйича беллашувларда, айниқса, муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Ғолиблик шохсупасидаги ўринларга кўтарилиш кўпроқ Чирчиқ, Ангрен ва Олмалик шаҳарлари касб-хунар мактаблари талабаларига насиб этмоқда. Айниқса, талаба қизларимиз вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ўсмир тенгдошларига ўрнатилган бўлмоқдалар.

Мусобақанинг иккинчи куни ҳам талаба қизларимиз ўсмирларни ортда қолдиришиб, совринли ўринлардан кўпроқ жой олдилар. Масалан, энгил атлетикачилар баҳсида Ангрендаги педагогика билим юрти талабаси Диля Ҳазихметова билан Чирчиқдаги 1-касб-хунар мактаби талабаси Ольга Файрузова биринчи, тиббиёт билим юртида Оксана Поспелова эса учинчи бўлдилар.

«КИМЁГАР» СПАРТАКИАДА ҒОЛИБИ

Тошкент вилояти тармоқ касба уюшмаларининг «Оналар ва болалар йили»га бағишланган «Саломатлик» спартакиадаси бўлиб ўтди.

Чирчиқдаги «Олмос» маданият ва спорт марказида икки кун давом этган бу тадбирнинг 300 нафардан ортиқ иштирокчилари спортнинг энгил атлетика, стол тенниси, кичик футбол, тош кўтариш, она ва бола, дартс каби етти тури бўйича ғолиблик учун курашдилар. Улар ўн иккита шаҳар ва туман вакиллари эди.

Жамоалар ўртасида Чирчиқдаги «Кимёгар» спорт клуби вакиллари

БАЛЛИ, ТАЛАБА ҚИЗЛАР!

Жиззахда махсус касб-хунар мактаблари ва билим юртлари талабалари ўртасида олти кун давом этган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига бугун якун ясалиб, ғолиблар маълум бўлади.

Сузиш бўйича мусобақаларда Олмаликдаги 10-касб-хунар мактабидан Светлана Богород иккинчи, Чирчиқдаги саноат касб-хунар мактаби талабаси Ольга Блошенко учинчи ўринни эгалладилар.

Ўсмирларимиздан фақат икки нафари ғолиблик шохсупасидан ўрин олишга муваффақ бўлди. Олмаликдаги тоғ-маъданчилик техникумидан Юрий Чулиев сузиш бўйича иккинчи, Чирчиқ саноат касб-хунар мактабидан Владимир Шербинин энгил атлетика бўйича учинчи совринли ўринларни қўлга киритишди.

3 май куни бўлиб ўтган мусобақаларда ҳам вилоятимиздан бир неча вакиллар совринли ўринларга сазовор бўлдилар.

Энгил атлетика бўйича шахсий биринчиликда Ангрен тиббиёт билим юртидан Элвира Бекова, Чирчиқ давлат техника коллежи талабаси Завур Салоҳов II-ўрин соҳиби бўлишди.

Ангрен касб-хунар мактаби

талабаси Ксения Кузнецова ва Чирчиқ I-касб-хунар мактаби талабаси Василиса Войтенколар учинчи ўринни эгалладилар.

Сузиш бўйича шахсий биринчиликда ҳам вилоятимиз вакиллари бўш келишмади. Бунда Чирчиқ I-касб-хунар мактаби талабаси Ирина Хижняк II-ўринни, Олмалик 10-касб-хунар мактабидан Евгения Тимашева ҳамда Ангрен педагогика билим юрти вакиласи Екатерина Заикова шохсупанинг III-поғонасидан жой олдилар.

Курашнинг Фарғона усули бўйича вилоятимиз курашчилари шахсий беллашувларда 2та иккинчи ўринни ва 2та учинчи ўринни эгалладилар. Миллий курашда эса талабаларимизга 1та II-ўрин насиб этди.

Жиззах ўйингоҳларида бўлажак олимпиадчиларнинг мусобақалари ҳал қилувчи паллага кирди. Бугун беллашувларнинг сўнгги ғолиблари аниқланади.

«Оналар ва болалар йили»га бағишланди

ва Чиноз туманлари вакиллари спортнинг санокли турларида қатнашган бўлсалар, Ўртачирчиқ, Пскент ва қатор бошқа туманлар жамоалари эса умуман келмади.

Бу спорт ва жисмоний тарбия беллашувда яхши натижаларга эришган спортчиларга вилоят касба уюшмалари кенгаши ва бошқа қатор ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди. Ғолиблар республика бўйича ўтказиладиган шундай спартакиадада қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдилар.

Ўз мухбиримиздан.

ОЧИҚ ТУРДАГИ «БАЛИҚЧИ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2000 йил якуни
бўйича ҳисобот

йиғилиши

2001 йил

12 май

соат 10.00да

ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ

1. ОТХЖ «Балиқчи»нинг 2000 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2000 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Йиллик ҳисобот балансини тасдиқлаш.
4. 2000 йил молиявий ва хўжалик натижалари бўйича аудитор текшируви натижаларини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2000 йил молиявий хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромад ва дивидендлар миқдори ва уни бериш тартибини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2001 йилга мўлжалланган товар ва ҳовоқ балиқлар режасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига киритилган ўзгаришларни тасдиқлаш.
8. Жамият Низомига киритилган ўзгаришларни тасдиқлаш.
9. Бошқа масалалар.

Кўрсаткичлар номи	Актив (минг сўмда)	Пассив (минг сўмда)
1. Узоқ муддатли активлар	24396	
2. Ишлаб чиқариш заҳиралари	103702	
3. Пул маблағлари	124186	
4. Дебиторлар	4232	
Баланс	122161	
274975		103702
1. Устав капитали		31501
2. Қўшилган капитал		5389
3. Резерв капитал	30958	103702
4. Тақсимланган фонд		9895
5. Узоқ муддатли кредиторлар		25902
Қисқа муддатли кредиторлар		39671
6. Кредиторлар		131659
Баланс		274975
		103702
Сотилган маҳсулотдан кўрилган даромад 357633,7 минг сўм. Шундан қўшимча қиймат солиғи 12099,3 минг сўм.		
Ташкил қилган ҳаражатлар	309556,5 минг сўм.	
Даромад солиғи	24405 минг сўм.	
Бошқа солиқлар	1677,8 минг сўм.	
2000 йил баланс ҳақиқатлигини «Комак» фирмаси аудитори тасдиқлаган.		

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

ЯНГИЙЎЛ «МЕТИН-ФИШТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ТАЪСИСЧИЛАРИ ВА ЖАМИЯТ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Масъулияти чекланган жамият умумий йиғилиши 2001 йил 14 май соат 11.00да «Метин-фишт» МЧЖда бўлади.

КУН ТАРТИБИ

- 1.. «Метин-фишт» МЧЖнинг 2000 йил иши якунлари ва 2001 йилга мўлжалланган асосий фаолияти йўналишлари тўғрисида.
- 2.. 2000 йил якуни бўйича соф фойданинг тақсимланиши.
- 3.. Ташкилий масалалар.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

АЛВИДО, ҚУРОЛ!



Шу ҳафтанинг бошида АҚШдаги расмий доиралар Жорж Бушнинг президент сифатида иш бошлаганига 100 кун тўлганлигини нишонлашди. 100 кун мобайнидаги ишлар – Россия билан муносабатлардаги сал тангликни ҳисобга олмаган ҳолда – асосан осойишта кечди.

Буни жуда кўпчилик таъкидлади. Ўз вақтида катта Бушнинг қамчисини еганлар кичиги ҳам биринчи кунларданок ўша йўлни бошласа керак, деган хавотирда эдилар. Жорж Бушнинг ўзи эса ҳам ички, ҳам ташқи фаолият бобида ўз маъмурияти олиб бораётган ишларни маъқуллаб, сайловолди дастури аста-аста амалга ошаётганини тилга олди. Ҳамма гап 101-кундан бошланди. Буш ҳарбий академия тингловчилари ҳузурида сўзга чиқди. У бундан 30 йил аввал тузилган ҳарбий аслахаларни кўпайтирмаслик, оммавий қирғинга сабаб бўладиган қуроолларни камайтириш тўғрисидаги шартномалар бугун ўз кучини йўқотганини таъкидлаб, ракеталарга қарши янги мудофаа тизимини яратиш зарурлиги. Оқ уй бу борада муайян тадбирлар режасига эга эканлиги ҳусусида гапирди.

Улар янги мудофаа тизими барпо этиш борасида мазкур давлат бошлиқлари билан музокаралар олиб бордилар, шарт-



Mamlakatlar & Odamlar & Voqealar

номалар тузадилар.

Инсоният учинчи минг йилликка яхши ниятлар билан қадам қўйди. Бу дунёда ҳамма ўз ишини қилиши керак: деҳқон экинни экиши, олим кашфиётини қилиши, шоир шеърини ёзиши, дўст эса содиқ бўлиши керак. Бугун ҳамма бир-бирини қўлига қарайдиган бўлиб қолди: у нон ушлаганими ёки қурол?! Тинчликни ҳимоя қилишнинг ягона йўли бор: алвидо, қурол! Салом, дўстлик! Дўстнинг қўлини маҳкам тутиш энг мустаҳкам мудофаа тизимидир.

ҚИСҚА САТРАРДА

- Жаҳон газеталари уюшмаси (ЖГУ) Шарқий Африка минтақасини журналистлар учун энг хавфсиз ҳудуд, деб эълон қилди. Айниқса, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳурматини жойига қўйишда Танзания, Уганда ва Кенияга етадиган давлат йўқ, деди уюшма вакили.
- Ҳиндистон ҳарбийлари шу кунларда Покистон билан чегарадош бўлган Ражастон штатида кенг қўламли ҳарбий машғулотлар ўтказмоқда. Сўнгги 13 йил ичида энг йирик ҳисобланган бу машғулотларда ҳарбийлар душмандан ҳимояланиш ва қарши ҳужумга ўтиш амалини тобламоқда.
- Ангола президенти Жозе Эдуарду душ Сантуш УНИТА исёнчи гуруҳи раҳбарларига мурожаат қилиб, жанговар ҳаракатларни тўхтатишга чакирди. Унинг айтишича, ўзаро урушлардан икки томон ҳам фойда кўраётгани йўқ ва бугунги вазият мавжуд муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш заруратини тўғдирмоқда.
- Покистон ҳарбий ҳукумати раҳбари генерал Парвез Мушаррафнинг Вьетнамга уч кунлик сафари бошланди. У Ханойда мамлакат президенти Чан Дик Лионг ҳамда Бош вазир Фан Ван Кхай билан учрашди. Музокараларда икки мамлакат алоқаларини янада ривожлантириш ҳамда минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама қилинади.
- Германия ташқи ишлар вазири Йошка Фишер АҚШни 1972 йилда имзоланган ракетадан мудофаа тўғрисидаги келишувдан чиқмасликка ва бу борада янги лойиҳани амалга оширмасликка чакирди. АҚШда ракетадан мудофаа миллий тизимининг яратилиши қуроолланиш пойгаси бошланишига олиб келиши ва янги «совуқ уруш» хавфини туғдириши мумкин, деди вазир.

ҚҲЙ ДЕСА ҚҲЙМАГАНДИНГ

«Спайз Герлз» гуруҳининг хонандаси Жери Холлиуэл чекишга қарши ўтказилаётган хайрия тадбири қатнашчиларининг орасида жанжал чиқишига сабаб бўлди. Жери ушбу тадбирда кўкрак рақини даволаш билан шуғулланадиган ташкилотнинг вакиласи сифатида қатнашарди. Маълум бўлишича, Жерининг ўзи ашаддий кашанда экан. Буни тадбир суратга олинаётгандаги танаффус пайтида сезиб қолишди. Чекишга қарши курашувчилар унга ёпиша кетишди. Жери жуда ҳам ҳафа бўлиб кетди ва кўкрак рақига қарши даволаш ишларини олиб бораётган ташкилотга арз қилди. Жамғарма вакили айнан чекиш кўкрак рақига сабаб бўлаётганини, Жери бу ишни тўғри реклама қилаётганини тасдиқловчи маълумотнома ёзиб берди. Шундан кейин чекишчиларга қаршилар жиндек тинчланишди. Буни қаранглик, ўн саккизи ёшида Жери хоним ўнг кўкрагида ўсимта борлигини сезиб қолди. Шундан бери раққа қарши курашувчи жамғармага қўлидан келганча кўмаклашиб келяпти. Шунинг учун катталар қўй деганда, қўйиш керак.

Ажаб савдолар

БОНДНИНГ 19-МАШИНАСИ

«Метро Голдвин Майер» студияси ҳамда БМВ концерни машҳур жосус Жеймс Бонд ҳақидаги 19-фильмининг рекламасини тайёрладилар. Унда Бонд ролининг толмас ижрочиси Пирс Броснанд БМВ русумидаги энг янги машинани минаяди. Аслини олганда Бонднинг ҳар бир сериали машинаси ўзига ўхшаган. Лекин рекламада Бонддан кўра унинг яп-янги БМВси ҳамманинг диққатини ўзига тортади. Ҳозирча Броснанд машинадан жуда хурсанд. Томошабинлар машина ҳақида нима дейди, – бу 19-фильм экранларга чиққандан кейин маълум бўлади. Ҳарҳолда машина немисникими, бошқаникими, янги бўлса ҳар қанақа жосус жон деб минади.

ИШЛАРИ ДУНЁНИНГ

КУВВАТ МАНБАИ

Америкалик олимлар чамаси қувватнинг мубоқабил манбаини топганга ўхшамади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, уйдаги битта сигир бир йил давомида 50 килограмм метан газини ҳосил қилишга етадиган чикинди чиқарар экан. «Агар ушбу рақам сайёраимиздаги мавжуд бўлган ҳамма сигирларга кўпайтирилса, – деб ёзади Францияда чоп этиладиган «Пуркуа па» газетаси – бир йилда 63 миллион тонна ҳажмида газсимон ёқилғи олиш мумкин». Шу муносабат билан

Машҳур аёллар

ХИСЛАТ СОҲИБАСИ



Ҳикояни оддий бир воқеадан бошласам. Рафиқамнинг туғилган куни эди чоғи, хизматдан қайтаётиб атир-упа дўконига кириб ўтдим. Танлаб-танлаб устига гўзал аёлнинг тасвири туширилган хушбўй атирни харид қилдим. «Нефертити» деб аталган бу ноёб матоҳ барчага манзур бўлди. Рост, тасвирдаги аёлни ўша пайтда билмас эканман.

Эхнатон умрининг маъносига айланди.

Кўхна замоннинг қадим одатларидан бири – бу ўз авлодини бошқа авлодлар билан чатиштирмасликдир. Бу йўлда Мисрда ҳатто дўппи тор келганда, акасингиллар ўртасида ҳам никоҳ ўқитишга рухсат этиларди. Нефертити бу борада ҳам омадли бўлди. У фиръавннинг яқин қариндошларидан эди. Хуллас икковининг муҳаббати очик-ошкора бўлди. Улар ҳамма жойда бирга бўлишарди. Бора-бора қадимги Миср аҳли фиръавнни мабодо ёлғиз кўриб қолганда ажабланадиган бўлиб қолди. Эру хотинни тақдир фарзанддан ҳам қисмади. Улар бирин-кетин олти киз кўрдилар. Эхнатон охирини ўйламай ўзида йўқ севишти. Нефертитига меҳр-муҳаббатни ошгандан ошди. Шу тариқа улар бир-бирига бўлган бетизгин муҳаббатлари туфайли одамлар кўзи ўнгига тирик маъбудларга айланиб борардилар.

Дунёда ҳеч нарсаси ўз-ўзидан содир бўлмаган. Ҳар нарсанинг омили бор. Гўзал Нефертити вақти келиб, ўзининг ҳусну малохатини улашган кизлари бошига бало бўлишини билибмиди? Тахтга ворис керак. Эл-юрт олдида Эхнатоннинг шаън-шавкатини оширадиган, унинг ишини давом эттирадиган ўғил керак. Кизлар эса ҳуқуқдан маҳрум. Шу тариқа Нефертитининг тиниқ умрида булут пайдо бўлди. Бу булутнинг номи ёш малика Кийа эди. У Эхнатонга икки ўғил ҳадя этди. Бирини Семнехкарэ, иккинчисини Тутанхатон деб аташди. Тахтга ўлгудек ишқибоз малика Кийа нозу қарашмалар билан мовий тожга, ҳокимият рамзига ҳам, иккинчи фиръавн деган номга ҳам эришди. Лекин унинг бирдан-бир муаммоси бор эди: ноқонуний туғилган ўғиллари ё Нефертитига, ёки унинг қизининг энг каттасига уйлансагина, тахт вориси бўлиши мумкин эди. Эхнатон бунинг ҳам йўлини топди. У Кийани Нефертити ва унинг олти қизи чехрасида тасвир этилиши ва ўзгача ном билан аташни буюрди.

Нефертити... Тақдирнинг факатгина битта зарбаси – ўғил-сизликдан озор чеккан гўзал ўзи орзу қилгандек асрлар оша яшаб қолди. Унинг муҳаббати мана, минглаб йиллар ўтса ҳамки ҳамон ёш. Буни немис археолог Людвиг Берхард Эл-Аморна қишлоғида олиб борган қазилмалари ҳам тасдиқлаб турипти. Бу қишлоқ ўрнида қачонлардир буюк Ахетатон шаҳри қад ростлаб турган эди. Археологлар қазув ишлари даврида катта устaxonага дуч келиб қолдилар. Устaxonадан эса Нефертити хайкалчасини топдилар. Ундан йилларнинг гардини артиб ташлагач, бениҳоя гўзал қомат, чехра намоён бўлди. Берхард қундалигига шундай ёзувлар битилди: «Бу гўзални таърифиға сўз йўқ. Қани энди уни тирик ҳолида бир кўрсам, ҳаётимни жимғина унга бахшида этган бўлардим».

Темир йўлдошев.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ВАТАН ЯГОНАДИР

Катра

Ватан!

Она каби муқаддас калом бу. Уни ҳамма ўзича талқин қилади. Аслида Ватан ҳар бир кишининг кўнглида бўлади. Дарвоқе, Ватан ҳар биримиз учун азиз ва мўътабардир.

Бугунги кунга келиб ўз байроғимиз, миллий мадҳиямиз, гербимиз, кадр-қимматимиз, шаън-шавкатимиз жамланган Конституциямиз бор. Қалбимиз ғурурга тўла.

Ҳаёт фақат чиройли кийимлар кийиб, тўқ яшашдан иборат эмас. Маъ-

нан бойиш, дунёқарашимизнинг ўси-шида кўп нарсаси ўзимизга боғлиқ. Аждодларимиз анъаналарига содиқ қолган ҳолда, эзгу ишлар йўлида меҳнат қилсакгина биздан ўтмиш ҳам, келажак авлодлар ҳам рози бўлади.

Ватан кўнгилдан жой топади. Бу сўзда бир олам ҳикмат бор. Негаки, инсон кўнгли Ватандек кенг бўлсагина, ёинки Ватан инсон кўнглидек но-зик бир маконда манзилига етганде-гина ҳақиқий савоб ишлар содир бўлади. Кунлар келадик, бу кунлар-

ни ҳам ёниқ хотиралар билан ёдга оламиз.

Баҳорнинг майин шамоли атрофга поклик таратаётгандек. Одамлар шо-шади, яшашга. Барчасининг ўз таш-виши бор. Лекин уларни ҳаммасининг кўнглида бир нарсаси – Ватан олдида-ги бурч, унга бўлган чинакам муҳаб-бат порлаб туради. Шоиримиз айтган-нидек:

Бу ёруғ дунёда Ватан биттадир,
Биттадир дунёда Она деган ном.

Муқаддас ЮСУПОВА.

Bolalik bog'i

KABUTAR

Kabutar bu,
Chinni qush,
Suluv qush-u,
Jinni qush.
O'yin tushar-
G'uv-g'uvlar.
Borib kelar
«Zuv-zuv»lar.



Abdulhay NOSIROV.

8 — саҳифа меҳмони

БИРНИ МИН ҚИЛГАН
АЁЛ

«Бир аёл бўлса шунча бўлади-да. Бир аёл меҳнат қилса шунча меҳнат қилади-да». Бу таърифларни Пскентга келган ҳар бир одам эшитиши мумкин. Ҳамма қойил қолган тиниб-тинчимас бу аёлнинг қилаётган ишларини кўриб, унга унча-мунча таърифлар камлик қилар экан, деган одамлар қанча. Кўпнинг эъзозини қозонган Сайёра Мўминова билан «Замона аёли» телешоусида учрашиб қолдик. Оғир, босиқ, ҳар бир сўзини ўйлаб, ўлчаб айт-диган, истараси иссиқ бу аёл билан суҳба-тимиз дорров қовушиб кетди.

– Сайёрахон, қамқиш-лоқларингизнинг айтиши-ча, тadbirkorлик билан шуғуллана бошлаганингизга беш-олти йил бўлибди...

– Беш-олти йил деб айтишга осон. Tadbirkor дегани йўқдан бор қилувчи бўлади. Тайёрига баковул бўладиганларни олғир деб атаган маъқул. Шу мезондан туриб қаралса, беш-олти йиллик уринишларим ун-ун беш йиллик куч-қудратни талаб қилганини таъкидлашим шарт бўлмас керак.

– Сиз то тadbirkor бўлгунча савдо тизимида ишлаган экансизми?

– Худди шундай. Саккизинчи синфни битиргач, савдо ходимлари тайёрловчи олти ойлик курсни, кейин Тошкент кооператив техни-

кумини сиртдан ўқиб тугатдим. Туманимиз марказидаги универсал дўконда сотувчи, бўлим бошлиғи, директор бўлиб ишладим. Бекободдаги «Ҳасанбой ЛТД» фирмаси директори ўринбосари ҳам бўлдим.

– Дурадгорларда «Шогирдиннинг уста кўргани мих қоқишда билинади», деган нақл бор...

– Мактабда олтинчи синфда ўқирдим. Йўл устида дўкон бўлгучи эди. Утсам

ҳам, кетсам ҳам унинг олдида бир лаҳза туриб қолардим. Қори амаки деган сотувчи бир куни «бирор нарсаси берайми, қизим», дедилар. «Йўқ», дедим. Кейин бехосдан оғзимдан чиқиб кетди: «Сизга жуда мазза-а, амаки?» «Нега?» – сўради Қори амаки. «Шу пулларнинг ҳаммаси ўзингизники-да». Негадир ўша пайтларда магазинчилар пулларни ўзи олади деб ўйлар эканман. Қори амаки ёйилиб кулди: «Дўкончи бўлишни хоҳлайсанми?» «Ҳа», дедим. «Унда мана бу пулларни санаб кўр-чи», деб бир даста пул узатди. Дарров санаб палон сўм экан, дедим. «Баракалла, санашга жуда уста экансан», деди Қори амаки, энди ҳар куни бўш вақтингда кириб туравер иш ўрганиб бораверасан».

Шу тариқа Қори амакининг мен тенги қизи билан савдо сирларини ўргана бошладим. Шу ишга ҳавас қўйдим. Қайнонам Ойниса Зокировадан, бир умр савдо ходими бўлган бу номга зарра доғ туширмаган Санъат опа Рашидова, Шарофат опа Абдурахмоновдан жуда миннатдорман. Улар менга савдо маданиятини, муомалани, тadbirkorлиқни, энг муҳими ҳалоллиқни ўргатишди.

– «Замона аёли» телешоусида, «Энг намунали солиқ тўловчи хоним» унвонига са-

зовор бўлганингиз бежиз эмас экан-да?

– Болаликдан устозларим ҳар бир нарсаси ҳалол, тўғри ёндошишни ўргатишган. Ўрни келиб қолди: отам Шоакбар Юсупов, онам Ҳамробуви Юсуповадан берган тарбиялари учун тоабат миннатдорман. Охиратлари обод бўлсин.

– Фирмангиз қандай аталади?

– «Шухрат» деб ном қўйгансиз. Унда ўттиз чоғли хизматчи бор. Ўғлим Шухрат Мўминов таъминотчи вазифасини бажаради. Янги Пскент бозорида хос дўконимиз бор.

– Фирма қандай фаолиятга ихтисослашган?

– Асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан бандмиз. Бир кеча-кундузда 8-10 тонна шоли оқлайдиган, бир ярим тонна бугдой тортадиган тегирмонимиз бор. 500-700 килограммгача макорон ишлаб чиқарадиган цехимиз юриб турипти. Утган йили миллий услубларда гилам тўқийдиган цехимиз ҳам очилди. Икки-уч метрлиги 80 минг сўм туради. Кичикроқлари арзон.

– Вой-бў, жуда қиммат-ку?

– Гиламимизнинг қимматлигига асосий сабаб ипни сотиб оламиз-да. Бунинг устига у қўлда тўқилади.

– Арзонлаштиришнинг илоҳи йўқми?

– Бор. Бизда қўй жуни жуда арзон. Уни қайта ишлаб ипга айлантириб, бўяб берадиган цех ташкил этишни ўйлабмиз. Яна чеварларимиз ҳам ишлаб турибди. Асосан буюртма бўйича кийим-кечак тикишади.

– Фирма раҳбари сифатида хорижга бориб келдингизми?

– Хиндистонга тўрт марта бориб келдим. Тажриба алмашаманми, деб ўйлаган эдим. Лекин маҳсулотлари кўзимга анчайин сифатсиз кўринди.

– Кун тартибидеги мўлжаллаган ишларингиз борми?

– Бўлганда қандай? Ҳозир ёнилғи қуйиш шахобчаси, боя айтганимдек жунни қайта ишлаш цехини қуриш билан бандмиз. Олмаликда палос фабрикаси бўларди. Бугун у ерда қўшма корхона мавжуд. Балки ўшалар билан бир тўхтама келармиз. Ўйлаган режаларимиз амалга ошса ийгирмага яқин қамқишлоқларим иш билан таъминланган бўлар эди.

– Аёл кишисиз, Сайёрахон, бола-чақа, оила дегандай, қийналиб қолмаяпсизми?

– Сира ҳам. Турмуш ўртоғим Ортиқбой Мўминов билан икки ўғил, икки қизни вояга етказдик. Ҳаммаси уйли-жойли бўлиб кетишган. Ўн икки неварам бор. Фақат бир қизим Шахло менинг изимдан кетди. Авваллари «гап билганга минг танга, иш билганга бир танга» деб юришарди одамлар. Бу мақолни «иш билганга минг танга, гап билганга бир танга» деб айтадиган замон келди. Tadbirkor фақат ўзини ўйламасин, у шунчалар катта имконият яратиб берган юртининг фаровонлигини, одамларнинг миннатдорчилигини ўйласин. Ана шундагина у чинакам фидойи инсон деб аталади.

– Сайёрахон, туман тadbirkorлари уюшмасининг раиси сифатидаги ишларингизга, дилингиздаги эзгу ниятларингизнинг рўёбга чиқишига тилакдормиз. Сизга ўхшаган элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган вилоятдошларимиз қанча кўп бўлса шунча яхши.

Суҳбатдош Темур
УБАЙДУЛЛО.

Бекажон

ҚИШ ҒАМИНИ
ЁЗДА ЕНГ

Кунлар исиб кетди. Киши билан эгнингиздан тушмаган кийимларни узоқ вақт сақлаш олдида уларни тартибга келтириб, тозалаш қўйиш керак. Ҳар ишнинг вақтида бўлгани яхши. То куз келгунча шкафнинг бир четида ётмасин. Ҳаммасини кимёвий тозалаш устахонасида орас-та қилиб қўйсангиз, ёз туга-гандан кейин ортиқча таш-виш туғдирмайди.

◆ Устки кийимни жиндакина нашатир спирти қўшилиб яхшилаб аралаштирилган сув билан ёки аччиқ чой билан юмшоқ чўтка ёрдамида ихлоф билан тозаланг. У барча доғ-дуғлардан фориғ бўлади.

◆ Каттақон доғ бўлиб қолган жойларини туз ёки нашатир спирти, у ҳам бўлмаса аччиқ чой билан ювинг. Сўнгра хўл латта қўйиб, яхшилаб дазмолланг. Қарабсизки, яп-янги бўлади-қолади.

◆ Жундан тайёрланган кийимлардан сундан ҳосил бўлган доғни кетказишнинг ҳам йўли бор. Уларни тоза спирт билан артинг. Ипак матодан тайёрланган кўйлақларни эса, ярим қошиқ сувга ярим қошиқ глицерин солиб, икки-уч томчи нашатир спирти қўшиб аралаштирилган қоришма билан тозаланг.

◆ Қаҳва – ажойиб ичимлик. Лекин у тозаловчи сифатида ҳам қўлланилар экан. Масалан, қуюқ қаҳва билан қора атлас, туфлиларни тозаласа бўлади. Агар унга оппоқ тўқилган гул безакларни ботириб олсангиз, пушти ранг ҳосил қилади. Дарпардаларни ҳам шу йўл билан рангини ўзгартиришингиз мумкин. Қора жун иплардан тайёрланган шимларни чўткани нашатир спирти қўшилган қора қаҳвага ботириб, яхшилаб тозалаш мақсада мувофиқдир. Диваннинг ранги ўчиб кетган чарм юзасини ҳам шу йўл билан артсангиз янгидек бўлиб қолади. Ошхонадаги хидларни йўқотиш учун товага жиндақ қаҳва донларини солиб юборинг, хушбўй хиди димоғингизни чоғ қилади. Қуюқ қаҳва ҳатто қалин ёғ босган шиша идишларни ҳам янгидек қилиб тозалайди.

Матлуба
МАҲМУДХҲАЕВА
тайёрлади.



Об-ҳаво Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 6-9 май кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб турсада, ёгингарчилик кутилмайди. Шарқдан Ғарбга томон эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 7-12 метрга етади.

Ҳарорат кечалари 16-21, кундуз кунлари эса 30-35 даража иссиқ бўлиши кутилади.

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 12-гимназия томонидан 1999 йилда Абдуллаев Жамшид номига берилган 627694 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР
ҚИЛИНАДИ.

Сергели туманидаги «АУБАТ-SERVIS» хусусий фирмаси
ТУГАТИЛАДИ.
Давволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 92-13-40 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Ангрен олтин қазиб чиқариш қонига қарашли ЗИЛ-130 русумли давлат рақами 04-78 ТШМ автомашинасига берилган АТ 0154689 рақамли шаҳар ичида юк ташишга ҳамда АТ 015425 рақамли шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўналишида юк ташишга берилган лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР
ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Тошкент вилояти кенгаши жамоаси, «Ватанпарвар» Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Абдулла Маннонович Ачиловга укаси
Абдуманнон АЧИЛОВнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент электр тармоқлари жамоаси корхонанинг бош муҳандиси Суннатилла Ибрагимович Юсуповга онаси
МУҚКАРАМА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

TOSHKENT HAQIQATI
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ХОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-40-48, 136-57-27.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида тарилди ва соҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.